

## **ИННОВАЦИЯНИНГ ТАЪЛИМ ВА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Атаджанова Севара Бекмуратовна**

**Абдурахмонова Зебо Юлдошевна**

**Рахманова Саодат Акмал қизи**

Тошкент давлат транспорт университети

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақола педагогик тизимнинг мазмуни, унинг ютуқ ва камчиликлари, ўқув жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар, инновациялар, педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда уларнинг таълим тизимидаги аҳамиятига бағишланган.*

**Калит сўзлар:** таълим жараёни, педагогик технология, ахборот ресурси, замонавий таълим жараёни, интерактив методлар, фан, инновация, тажриба.

### **АННОТАЦИЯ**

*Данная статья посвящена содержанию педагогической системы, ее достижениям и недостаткам, взаимодействию учителя и ученика в образовательном процессе, инновациям, педагогическим и информационным технологиям и их значению в системе образования.*

**Ключевые слова:** образовательный процесс, педагогическая технология, информационный ресурс, современный образовательный процесс, интерактивные методы, наука, инновации, опыт.

### **КИРИШ**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ривожланиб бораётган инновацион сиёсат таълим олдида бир қанча вазифаларни юкламоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари шиддатли ривожланаётганлиги туфайли улардан фойдалана олиш худдики ўқиш ва ёзишни билишдек муҳим бўлган саводхонлик белгисига айланиб бормоқда. Таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда тадабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда эса, уларни эгаллаётган билимларни ўзлари

қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади. Шунингдек, таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараёни қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир. [1]

Кенг кўламли ислохотларнинг муҳим бўғини – инновациялар бугун ҳар бир соҳада бўлгани каби таълим тизимида ҳам ўзининг афзалликларини намойиш қилмоқда. Педагог бу жараёнга шахсинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Чет тили фанида техник воситалардан фойдаланиш талабага ҳам, ўқитувчига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланади ва кўпроқ маълумот беради, талабани кўриш ва эшитиш орқали тушуниши осон кечади. Бу эса дарс самарасини янада оширади. Агар танланган метод орқали талаба ижодий ишласа, гуруҳ фаол бўлса, мавзунини таҳлил қила олса, бу ҳар икки томоннинг кўзлаган мақсадидир.

Фанда ўзига хос қўллаш керак ва мумкин бўлган технологияни танлашда ўқитувчи ўз маҳорати ва имкониятига таянади. Педагогик технологияларни қўллашдан мақсад – дарсни қизиқарли ва самарали ўтказиш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини ошириш, билиминини мустаҳкамлаш, шунингдек талаба ва ўқитувчи муносабатларини тўғри ташкиллаштиришдир. Натижага эришиш учун ўқитувчи компьютердан, фильмдан ёки тарқатма материаллардан, ўйинли машқлардан, жумбоқли саволлар ва шунга ўхшашлардан фойдаланиши мумкин, лекин бунинг учун хонанинг, гуруҳнинг ҳолатини, яъни талабалар сонини, уларнинг имкониятини, билим савиясини ҳисобга олиши зарур. Бу борада янги замонавий ахборот технологиялари (компьютер, лингафон хоналар, аудио воситалари)ни қўллаш, маълумотларни топишда интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фанни ўқитишда дарсларни электрон шаклда олиб бориш ҳам талабага, ҳам ўқитувчига ёрдам беради; бунда вақт тежаллади, қулайлиги ошади, дарс қизиқарли ўтади ва кўп маълумот берилади. Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўрганиш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, чет тили ўқитувчисининг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратини ошириш ҳамда хорижий тилларни ўқитишда замонавий педагогик ва психологик ёндашувлардан фойдаланиш масалалари ўз аксини топган. Таълим жараёнининг самарадорлиги кўп жихатдан иштирокчиларнинг фаоллигини, аниқ мақсад сари интилишлари ва интизомли бўлишларига боғлиқ.

Шунингдек халқаро ҳамкорликнинг ҳам аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса чет эл тажрибаларини ўрганиш ва ўзимизги жорий этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада таълим вазирлиги томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошрилмоқда. Бугунги кун таълим тизимини ислоҳ қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда, ўзини яратиш имкони мавжуд инновацион майдонда кўриш ва энг муҳими аниқ янгиликларни ўзлаштиришдан иборат.

Бу ҳолат айти даврада ўта долзарблиги билан жуда муҳимдир, чунки ушбу жараён келажак авлодлар ва педагоглар жамоасининг алоқаларини ижтимоий ҳимоялаш шарти бўлиб ҳам хизмат қилади. Ҳозирги кунда мактаб ва олий таълим тизимидаги анъанавий ва оммавий кўринишдаги таълим ва тарбия жараёнлари ўрнига таълим муассасалари ривожланишида ўзига хос янгилик бўлиб инновацион жараёнлар кириб келмоқда. Биз биламизки, инновацион таълим деганда ўқув жараёнига янги элементлар олиб кириш тушунилади. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартириш билан бевосита боғлиқ. [2]

Янгилик аниқ тарихий характерга эга, яъни ўз вақтидан олдин пайдо бўлиши мумкин, ўз вақтида меъёр бўлиши ёки эскириши ҳам мумкин. Янгилик хиллари мактаб ва олий тизимда турли ча асосларга кўра гуруҳланади. Масалан, янгиликларни киритиш, мактаб ва олий тизимда содир бўладиган педагогик жараёнга алоқадорлиги билан асослади. Яъни ушбу жараён таълимнинг мақсади ва мазмунига, педагогик вазифа, технологияларга, таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари ва воситаларига, раҳбарият, педагог ва таълим олувчиларга ажратилади.

Янгиликни киритиш ҳажми белгисига асосланади. Бу ерда қуйидагича ўзгаришлар бўлиши мумкин: бир томонламалик, бир -бирига боғлиқлик ва бутун тизим. Баъзан эса инновацион имкониятларга қараб амалга оширилади. Фанни ва инновацияни келажакда ривожлантириш стратегиясида “инновацион инсон”ни яратиш, яъни ишлашдан қатъий назар, у инновация ва янги билимларга мойил бўлиши керак. Дунёдаги глобал ўзгаришлар жараёни мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги ўзгаришлар, таълим тизимида тайёрланаётган муахассисларга жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Инновацион фаолиятнинг шартларидан яна бири, унда педагог ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгаришидир. Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга буйсуниш каби унсурлардан холи бўлиб, тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши ва ёрдам шаклига кўчирилади.[3]

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлили янгилик киритишнинг самарадорлигини белгиловчи муайян меъёрлардан фойдаланишни талаб қилади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, факультетларда олий таълимдаги кўп босқичли тизим асосида ишлаш ва анъанавий тизим билан ишлаш қиёсий таққослаб кўрилганда, талабалар янги таълим тизимида онгли, ижодий ишлашга кўпроқ эътибор қаратгани, талабаларда таълим мотивацияси даражаси юқори эканлиги кўзга ташланади.

Умуман олганда, олий таълимда индивидуал ижодий ва жамоавий ижодий фаолият соҳасида бугунга келиб сезиларли тажрибалар тўпланди, ўқув педагогик жараёни иштирокчилари ўртасида субъектив муносабатлар ривожланишида ҳам ўзгариш содир бўлаётганлигини кўриш мумкин. Яна бир муҳим жиҳат шуки, тизимнинг умумий назариясидан тизимни бараварига бир неча параметрлар бўйича яхшшлаш мумкин эмас. Тўғри йўлни аста секин, унинг фойдалигига ишонч ҳосил қилиб, ҳар томонлама текшириб кўриб, кейинги ишларни ўйлаб киритишдан иборат.

## **ХУЛОСА**

Тажрибалардан маълумки, ҳар бир яратилган янгилик олдинга илгарисидан ҳам ёмон ишлайди, чунки бу жараённи ўрганиш, мослашиш ва сусткашликни енгиш керак. Юқоридаги гапларни умумлаштирган ҳолда, ҳозирги дарс жараёнларини халқаро таълим стандартлари асосида олиб бориш ва талабаларга шу бўйича билим бериш, шунингдек таълим жараёни, унинг сифати ва аҳамияти, талабанинг билимини оширишга ёрдам берадиган усул ва

воситалар, ўқитувчининг кўникма ва малакалари, янги педагогик технология ва инфор­мацион технологиялар замонавий таълимнинг асосий белгилари келажак авлодни замон талабига жавоб берадиган, шунингдек чет тилларида бемалол фикрини айта оладиган етук кадр бўлишида ўз самарасини кўрсатади.

## REFERENCES

1. ABDURAKHMONOVA, Z. THE ROLE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF THE EDUCATIONAL PROCESS. *ЭКОНОМИКА*, 12-16.
2. Mustaeva G., Kurbanova M., Mamajanova G. THE PLACE AND ROLE OF USING PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN LEARNING ENGLISH //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 191-193.
3. Абдурахмонова, З. Ю. (2021). ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИДА САМАРАЛИ ЁНДОШУВ. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1189-1193.
4. Mustaeva, G., Kurbanova, M., & Mamajanova, G. (2022). THE PLACE AND ROLE OF USING PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN LEARNING ENGLISH. *Uzbek Scholar Journal*, 9, 191-193.
5. Ф. А. Кушаков, М. Н. Ҳасанов, Р. Ў. Баратов, Ж. С. Раматов, & С. Ҳ. Султанов (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 803-810.
6. Ramatov, J.S., Umarova, Rozigul , & Khasanov, M.N. (2022). METHOD OF DETERMINATION OF TRANSPORT INTENSITY IN URBAN CONDITIONS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 931-936.
7. Jumaniyoz Ramatov, Rozigul Umarova, Rashid Baratov, Mirshod Khasanov, Siroj Sulstonov, & Fayzulla Kushakov (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3 (10), 582-586.
8. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.
9. Юулдашева, Д. М., & Абдурахмонова, З. Ю. СПЕЦИФИКА ОБУЧЕНИЯ ПЕРЕВОДУ НА РУССКИЙ ЯЗЫК ФРАНЦУЗСКИХ ТЕРМИНОВ. ББК 80я43, 172.

10. Aripov, N., Kamaletdinov, S., Tokhirov, N., & Abduraxmanova, Z. (2022). Simulation Modeling of Train Traffic Based on GIS Technologies. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 16, 73-82.
11. Абдурахмонова, З. Ю. (2021). ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИДА САМАРАЛИ ЁНДОШУВ. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1189-1193.
12. Абдурахмонова, З. Ю. (2022). ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТИВОР ВАЗИФАЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 491-500.
13. Абдурахмонова, З. Ю. (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ЎҚИТИШДА ЯНГИЧА МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. *World scientific research journal*, 10(1), 23-31.
14. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Хасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИННИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
15. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC